

Фойдаланилган адабиётлар

1. Клисенко М.А. Методы определения микроколичеств пестицидов в продуктах питания, кормах и внешней среде. -М.:” Колос,” 1984 -304 с.
2. Криворучка В.И., Омиров Р.Ю. Экология пестицидов и репаративная регенерация тканей.-Ташкент, 1993. -112 с.
3. Медведь Л.И. Справочник по пестицидам (гиг. применения и токсикология). -Киев.: “Урожай,” 1974. -448 с.
4. Материалы фирмы «ШЕЛЛ», «Краткие сведения о пестицидной активности беррикейда», 1985. -18 с.
5. Узаков У.Я., Парманова С.Х., Каримов А.А. и др. Рекомендации по применению цимбуша для борьбы с паразитическими клещами животных.-М., 1989,- 5. с.

УДК: 619.616.989.2.75

ҚУЁНЧИЛИҚДА ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ ТАДБИРЛАРИ.

Элмуродов Б.А., в.ф.д., Турдиев А.Қ., в.ф.и., Набиева И. к.и.х.

Ветеринария илмий-тадқиқот институт

Аннотация: Ушбу мақолада қуёнчилиқни ривожлантириш, уларни сақлаш, озукалантириш кўпайтириги ва қуёнларни уй шароитида сакдашнинг ветеринария санитария тадбирлари туерисида баён этилган.

Калит сўзлар: қуёнчилиқ, сақлаш, озукалантириш, пархезбон.гушт, формалин.

Қириш. Республикам из Президентининг чорвачилиқни ривожлантириш борасида 2006 йил 23 мартдага ПК-308 қарори, шунингдек 2008 йил 21 апрелда ПК-842 қароридан келиб чиқиб Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ўта муҳим қарор ветеринария мугахассислари олдида янги долзарб вазифаларни қўйди. Ушбу қарорларни бажаришда, чорвачилиқни ривожлантиришга ҳозирги кунда асосий тўсик бўлаётган юқумли касалликларни бартараф этиш ва олдини олиш даволаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳайвонлар бош сонини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга дир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Ёрдамчи хўжалиқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани қўшимча даромад олиш, қолаверса ишчи-хизматчиларни пархез гўшт билан таъминлаш имконини яратди.

Ҳозирги кунда тўрт фаелга бой республикамызда қуёнчилиқ билан шугулланиш давр талабидир. Қуёнчилиқ фермаларини ташкил қилишда асосан қуруқ, текис ҳамда даре, қўллардан узок жойлар танланади.

Тадқиқот натижалари: Ферма агрофи 2 м баландликдаги девор билан ўралиб. дарахтлар экилади. Қуёнчилиқ фермалари чорвачилиқ фермаларидан 300 м, паррандачилиқ фермаларидан 1500 м, аҳоли яшайдиган жойлардан 300 м узокликда қурилиши керак.

Қуёнчилиқ фермаларида бошқа ҳайвонларни сақлаш мумкин эмас. Хизматчилар фермага ветеринария-санитария назоратидан ўтказилиб киритилиди. Қуёнчилиқ фермалари 2 зонага бўлинади. 1 -ишлаб чиқариш зонаси, 2-маъмурий ва хўжалиқ зонаси. Ишлаб чиқариш зонасига асосан қуёнлар жойлаштирилади. Маъмурий-хўжалиқ зонасида озиқ-овқатлар сақлаиши билан бирга, қуёнларни сўйиш, териларни навларга ажратиш ва ветеринария хизмати ходимлари жойлашади. Фермадан ташқарида шамол йўналишига тесқари қилиб терини қуришти учун жой танланади ва қуйдириш печлари 50 м узокликда. 100 м узокликда эса гўнгни зарарсизлантириш майдончалари қурилади.

Қўп тармоқли фермер хўжалиқларида қуёнлар асосан катақларда бокилади. Катақлардаги қуёнлар йил давомида очик хавода сакланади. Қиш фаслида эса тоза, ёрут,

яхши вентеляция килиувчи биноларга ўтказилади. Катаклар икки қаватли 2-4 қаторли қилиб жойлаштирилади.

Касалланган куёнлар учун изолятор қурилиб бу ерда куёнлар алохида-алохида сақланиш учун катаклар бўлади. Катаклар доимо 10 % ли иссиқ ишкор эритмаси ёки 1 % ли формалин эритмаси билан дезинфекция қилиниб турилади, Металдан килинган катаклар махсус олов ёрдамида зарарсизлантирилади.

Туғадиган она куёнлар учун катаклар механик тозаланиб, дезинфекция қилиниб мослаштирилади. Катаклар ичига суғориш ва озиклантириш идишлари ўрнатилади. Ёш куёнлар катагининг ноли, ёриқлари 2х2 см зангламайдиган сим тўрдан қилиниб, ҳар 6-7 кунда ичига тўшамалар қўйилади.

Туғадиган она куёнлар ва ёш куёнлар катакларида тўшамалар бўлиши шарт. Тўшамалар намликни ўзига шимиб олади. Агарда ҳар купи алмашилиб турилса, куён болалари иссиқ сақланади. Тўшама сифатида ёғоч қириндилари (апилка), соя ўсимлигининг навдаларини майдаланган ҳолда ишлатишимиз мумкин. Ҳар куни куён гўнглари тозаланиб турилади ва махсус ҳалтачаларга солиниб ўғит сифатида ишлатилади.

Куён болалариини ўстириш гигиенаси. Куёнлар иситилмайдиган ёпик биноларда туғдирилади. Биринчи туғадиган куёнлариинг пати юлиниб, куёнчалар учун килинган уяларга тўшалади. Катга ёшдаги она куёнлар буни ўзлари бажаради. Куёнлар туққандан кейин ва туғишдан олдин доимо тоза сув билан таъминланган бўлиши керак. Агар куёнлар организмда сув етишмаси менерал моддалар ва витаминлар билан озиклантирилиши бузилиб, улар ўз болаларини еб қўядилар. Янги туғилган куёнлар 100 гр гача яқин бўлиб, 6 кунда икки баробар, бир ойлигида 10 баробарига ортади. Бунга сабаб она куёнлар сутида фойдали моддалардан 15%гача оксил, 10-20% ёғ, шакар ва 2,5% менерал моддаларнинг борлиги ҳисобланади. Куёнлар болаларини ана шундай сут билан 20 кунгача эмизади. Буни ҳеч қандай озука билан алмаштириб бўлмайди. Куёнхоналарни қуришда қуёш нуридан ҳимоя қилишни ўйлаш керак. Қуёнлар иссиқга бардош бера олмайди. Ортиқча кун исиб кетганда уларни офтоб уриши мумкин. Қуёш урмайдиган, таъсир кўрсатмайдиган махсус бостирмалар қурилади ва дарахт сояларидан ҳам фойдаланишимиз мумкин. Куёнлар кислородни кўп талаб қилади. Агар биноларда ҳаво яхши айланмайдиган бўлса, катаклар қўйиладиган куёнлариинг соғлиги ёмонлашади. Куёнлар совукни енгил ўтказадилар, каттик киш вақтида ҳам очик ҳавода ўзларини яхши ҳис қилади. Баъзи ҳолларда куёнларни музлаб қолмаслигига қўл қўймаслигимиз керак.

Куёнлар учун табиий ёруғлик коэффициент: биноларда 1:3, 1:5, 1:8 терини қайта ишлаш цехларида 1:10, 1:12 бўлиши керак. Ҳарорат +14+20°C, намлик 60-80 %, сунъий ёритилганлик 20 люкс, ҳаво ҳаракати 0,3 м/с, аммиак 0,01 м г/л, корбонат ангидрид 0,20% дан ошмаслиги керак. Қуёнларни қуёш киздириб юбормаслиги ва офтоб урмаслиги учун катаклар устига махсус навеслар қилиниши керак.

Куёнларни уй шароитида боқиш кўп тармокли фермер хўжаликларида, маҳалла, мактаб, касб-хунар коллежларида қуёнчиликни ташкил этиш ундан тоза экологик пархез гўшг олиш, сифатли тери, тивит олиш ва 30га яқин халқ хўжалик маҳсулот олиш, 20 хилга яқин озик-овқат маҳсулотларини тайёрлашда тадбирларни айнан қуёнчиликдан бошлаш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Адабиётлар:

- 1.. Басиев П.Д., Наймиженко Е.П. Поточное производство мяса кроликов. - М. Колос, 1980 - 175 с.
2. Александров С.Н, Косова Т.Н. Кролики разведение, выращивание, кормление «АСТ» 2006. Манина И.С., Леонтьев С.В Как разводить кроликов М. Колос 1984,
3. Баллов У.Ш., Турдиев А.К. Куёнчилик сердоромат соҳа. Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. № 12. 2013. 16 б.
4. Справочник кролиководства. М. Сельхозиздат 1962.
5. Шабанов А.Н. Кролиководство разведение и уход. Москва. 2010. 172 стр.

6. Турдисв. А. К., Абдумуродова Д. А., Хасанов. Р.Р. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида кўёнчиликни ривожлантириш. Рее. илм - амалий конф. Тошкент 2014. 84 - 85 бет.

7. Турдиев А.К, Абдумуродова.Д.А, Хасанов.Р.Р. Кўёнчиликни ривожлантириш - давр талаби. Узбекистан қишлоқ хўжалиги журнали 2014. №12 14 бет.

УДК 619:615:3 636:3 619:3

ҚЎЙЛАР ДИКТИОКАУЛЁЗИ ВА УНГА ҚАРШИ АНТГЕЛЬМИНТИКЛАРНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШ

Турсункулов А.Р., ассистент, Расулов Р., магистр

Самарканд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Представлены результаты применения противопаразитарного препарата левамизол на овец больных диктиокаулёзом. Левамизол - активная субстанция препарат, обладает широким спектром противопаразитарного действия, активен в отношении личиночных и половозрелых нематод. Препарат левамизол применяли в дозе 1 мл на 10 кг массы тела животного. Установлена высокая терапевтическая эффективность левамизол при лечении диктиокаулёза овец.

Summary'. The article presents the results of research of using antiparasitic medicine Levamisole for sheep against the dictyocauliosis. Levamisole the active substance with a wide range of antiparasitic activity, against the larval and adult stages of development of nematodes and immature adult. Using of the Levamisole by subcutaneous injection (1 ml per 10 kg of animal weight) gives a high therapeutic efficacy in dictyocauliosis of sheep.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз аҳолисини сифатли чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, ёғ, тухум) ва саноат хом ашёлари (терси, жун ва хоказо) билан таъминлашда ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, чорвачиликни ривожлантиришда бир қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Чорвачиликни, жумладан қўйчиликни ривожлантириш борасида қўйлар орасида учрайдиган хилма-хил юқумли, паразитар ва юқумсиз касалликлар яна бир жиддий тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Бундай касалликлар қаторида гельминтозлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар орасига қўйлар диктиокаулёзи Ўзбекистоннинг барча қўйчилик хўжаликларида кенг тарқалган бўлиб, у томонидан хўжаликларга бирмунча иқтисодий зарар келтиради. Шу сабабли қўйлар диктиокаулёзига қарши курашиш ва унинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Тадқиқотларимиз Самарканд вилоятининг Нурабод туманининг шахсий ёрдамчи, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларида сўйилган ва турли касалликлардан ўлган ҳар хил ёшдаги қўйларнинг тегишли ички органи (ўпкаси) акад. К.И.Скрябиннинг тўлиқ гельминтологии ёриш усули билан ҳамда қўйларнинг тезак намуналари гельминтолярвоскопия усули орқали текширилди, диктокаулёзга қарши кураш мақсадида антгельминтик препаратлар синовдан ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Гельминтоз касалликларидан нематодозлар, айниқса нафас тизими стронгилатоз касалликлари қўй ва қўзилари орасида кенг тарқалишга эга бўлиб, қўйчилик соҳаси ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Қўйларнинг касалланиши натижасида уларнинг нобуд бўлиши чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва унинг сифат даражаси ошишига жиддий тўсиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга чорва даромадларини пасайтириб, қўйлар бош сонини кўпайтириш катта ғов бўлиб келмоқда. Республикамизнинг қоракўлчилик ширкат хўжаликлари, фермерлар ва ёрдамчи шахсий хўжаликлардаги қўйлар учун гельминтоз касалликлардан ҳисобланган нафас тизими стронгилатоз касалликлари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу касалликлар географик минтақа ва иқлимдан қатий назар барча қўйчилик ривожланган